



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУРЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Расулов Шахбоз Даврон ўғли

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6590028>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14-may 2022

Chop etildi: 27-may 2022

KALIT SO'ZLAR

Жазо, жазодан озод қилиш, суд, амнистия, афв, жавобгарликдан озож қилиш.

ANNOTATSIYA

Ушбу магистрлик ишида жазодан озод қилиш институти тушунчаси, келиб чиқиш тарихи, ҳуқуқий аҳамияти, турлари ҳамда қўлланилиш доираси ҳақида фикр юритилади.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида жазодан озод қилишнинг ўзига хос томонлари ва миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисми нормалари билан бир қаторда Махсус қисми нормаларида ҳам жазони ўташдан озод қилиш билан боғлиқ айрим нормалар белгилаб қўйилган. Маълумки, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилиниши лозим. Айбдор шахсга нисбатан тайинланган жазо чораси адолатли ва унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли даражада бўлиши керак.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораси фавқулодда ҳолатлардагина қўлланилиши ва бунинг сабаблари ҳукмда асослантирилиши керак. Одатда,

озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси, фақат ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ёки ЖКнинг 56-моддасида санаб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, шунингдек жазо тизимидаги бошқа енгилроқ чораларни қўллаш имконияти бўлмаган ҳолатлардагина тайинланиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш самарали жазо чораси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор нормаларига 1999 йил 20 август қонуни ҳамда 2001 йил 29 август қонуни билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга



кўра, ушбу нормаларда муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра:

– ЖКнинг 4 та моддасида: 167, 168, 170, 184-моддаларида, яъни ЖКда мавжуд жами моддаларнинг 1,7% ида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда;

– ЖКнинг 8 та моддасида: 173, 175, 180, 181, 132, 198, 202, 233-моддаларида, яъни ЖКда мавжуд жами моддаларнинг 3,5% ида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч барабар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади.

2011 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми нормалари назарда тутилган жиноят таркибининг 78,0 % ида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тугилади. Шундан 40,7% ида ушбу жазо алтернатив санкция сифатида белгиланган. Шунингдек, Махсус қисмда назарда тутилган 43,4 % жиноят таркибида жарима жазосини алтернатив жазо тариқасида қўллаш назарда тутилган.

2004 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорига кўра, моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақида Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган қоида

туғалланмаган жиноятга ҳам, башарти зарар билан боғлиқ оқибатлар келиб чиққунга қадар жиноятнинг олди олинган бўлса, татбиқ этилади. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 57-моддасини қўллаш масаласи муҳокама этилиши мумкин. Жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг қопланиши жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг муҳим кафолати эканлиги ҳамда судланувчи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши муносабати билан судлар зарарнинг қопланишига имкон берадиган барча ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши шарт.

Шу мақсадда, моддий зарар бир гуруҳ шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган жиноят ишларини кўраётганда суд ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олиб ҳамда Фуқаролик кодексининг 1000-моддасида белгиланган талабларга амал қилиб, бундай шахсларга нисбатан солидар эмас, балки ҳиссали жавобгарлик юклашга ҳақли. 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, биргаликдаги жиноий ҳаракатлар натижасида зарар



етказган барча шахслар етказилган моддий зарарни қоплашда солидар жавобгар бўладилар. ФКнинг 1000-моддасига биноан, жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, агар бу тартиб зарар қопланишини таъминласа, суд биргаликда зарар етказган шахслар зиммасига солидар эмас, ҳиссали жавобгарликни юклатишга ҳақли.

Шунингдек, 2010 йил 19 майда ЎЗР ЖКга киритилган 571-моддасида ҳам айбдор ўз қилмишига пушаймон бўлса ҳамда етказилган зарарни ихтиёрий равишда қопласа ҳамда кодекс 56-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг қўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги кераклиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ҳам 2010 йил 12 ноябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш крнцепцияси” номли маърузасида мазкур масала юзасидан алоҳида тўхталиб, “айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чоратадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас – бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури

маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди”, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

Яна шуни қайд этиш лозимки, Жиноят кодексининг яна 11 та моддасида, яъни 155, 157, 159, 160, 211, 212, 223, 240, 2442, 248 ва 273-моддаларида кодексда белгиланган асослар мавжуд бўлганда айбдор шахснинг жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши мумкинлигини белгиловчи рағбатлантирувчи нормалар ўрнатилган. Жумладан, Жиноят кодексининг 155-моддаси 4-қисмига кўра, терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади. Айбдор жиноий жавобгарликдан қуйидаги ҳолатларда озод қилиниши мумкин: 1)



агар у фақатгина терактни тайёрлашда иштирок этган бўлса; 2) ўз вақтида яъни объектив томоннинг жиноят содир этишидан аввал ҳокимият органларига террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишларини ва оғир оқибатларни келиб чиқишини олдини олиш учун чоралар кўришга имкон яратган ҳолда маълум қилган бўлса; 3) бошқа усуллар билан террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишларини ва оғир оқибатларни келиб чиқишини олдини олишга фаол ҳаракат қилган бўлса, яъни террорчилик ҳаракатини тўхтатиш учун ҳар қандай ҳаракатни амалга оширган бўлса – ҳуқуқ тартибот органларига ёки террористик акт содир этилиши кўзланган ташкилот маъмуриятига шахсан бориб огоҳлантириш; давлат органларини аноним тарзда огоҳлантириш; ижтимоий хавфли ҳаракатларни олдини олиш бўйича субъектнинг бошқа фаол ҳаракатлари; зарарли оқибатларни тўхтатиш ва кучсизлантириш учун бошқа фуқароларни жалб этиш ва ҳоказо. 4) агар унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари бўлмаса (курол ёки портловчи моддаларни сотиб олиш, сақлаш ёки уларни ўғирлаш, шахсан тайёрлаш ва ҳоказо).

Шунингдек, Жиноят кодексининг 157-моддаси (Давлатга хоинлик қилиш) 3-қисмида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси агар у ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар бериб жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса жавобгарликдан озод қилинади”, деб белгиланган.

Жиноятнинг очилишига фаол сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги махсус хизматга махфий кўмак бериши ҳақида розилик берса жиноятларни очиш ва йўлини тусиш, хорижий махсус хизмат томонидан олинган вазифаларни бажариш йўлида, хорижий разведка вакиллари фойдаланадиган вақтинчалик ёки доимий яшаш жойларини, жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва бошқалар ҳисобланади. Бундан ташқари, 159-модда (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш)нинг 5-қисмига кўра, “фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади”. Албатта, мазкур моддада бундай рағбатлантирувчи норманинг белгилаб қўйилиши давлат учун хавфли оқибатлар келиб чиқишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай нормалар Жиноят кодекси Махсус қисмининг яна қатор моддаларда ўз аксини топган. Хусусан, шундай нормалар жумласига “шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса” (273-модда), “тегишли нормада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширса” (248-модда), “ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берса, башарти давлат учун келиб



чиқиши мумкин бўлган оғир ҳолатларни мисол қилиб келтиришимиз
оқибатларнинг олди олинган бўлса” мумкин.
(160-модда) ва шу каби қатор

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз// Халқ сўзи. 2016.15 дек.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. lex.uz).// www.lex.uz/
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (2017 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)// www.lex.uz/
7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари. –Т.: Адолат, 2008. – Б.80.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. -Т.: Шарқ, 2012. -Б.218.
9. Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрено Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.472.
10. Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.
11. Уголовный кодекс Республики Казахстан / Предисловие министра юстиции Республики Казахстан, д.ю.н., проф. И.И.Рогова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 466.
12. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 266.
13. Уголовный кодекс Республики Таджикистан / Предисловие А.В. Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.410.
14. Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.
15. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А. ва бошқалар. Криминалистика. Дарслик 1-қисм. –Т.: Адолат, 2003. –367 б.
16. Абдумажидов Ғ. Расследование преступлений. Процессуально-правовое исследование. Ташкент, 1986.
17. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. –Т.,ТДЮИ, 2005.- 124 б.



18. Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. 2004. -145 б
19. Абдурасулова Қ., Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. 2006. 86- б
20. Абдурасулова К.Р., Иркаходжаев А.К. Практикум по “Криминологии” ТГЮИ. 2006. –С 280
21. Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т. ТДЮИ, 2005, 231-б
22. Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Т. ТДЮИ, 2003 77-б
23. Александров А.И. Уголовная политика и уголовный процесс в российской государственности. СПб, 2003. – 397
24. Абдумажидов Г. Исботлаш ва иқдорлик. // Инсон ва қонун. -2003. – 14 январ.
25. Абдумажидов Ғ. Ўзбекистон ҳудудида жиноий-ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланишидан лавҳалар // Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. ТДЮИ ва Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этган илмий семинар материаллари. Т. 2007. –Б.23-27
26. Абдумажидов Ғ.А. Процессуал кафолат самарали бўлсин. Ҳуқуқ ва бурч. № 3. 2007. 46-48 б.